



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: halksuzy@uzpak.uz ● 2003 йил 15 май, №104 (3216) ● Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчиларининг «УМИД НИХОЛЛАРИ» спорт ўйинлари иштирокчиларига



Байрам тадбирларини кенг қўламда ва тезкор ёритиш мақсадида тахририят махсус мухбирлари Ойбек РАҲИМОВ ва Максуд ЖОНИХОНОВларни Урганч шаҳрига юборди. Қуйида уларнинг тантананинг очилиш маросимидан ёзган мақоласини ўқийсиз.

— Қадим Хоразм воҳасида «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақалари бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар мактаб ўқувчилари спортнинг 12 тури бўйича финал босқичда куч синнашди. Шу муносабат билан Урганч шаҳридаги «Хоразм» марказий спорт мажмуасида мусобақаларнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Стадионга йиғилган меҳмонлар, минглаб ўқувчилар ҳаяжонда. Шаҳарнинг ҳар бир гўшасида, шунингдек, стадионда ҳам байрамдан дарак берувчи паннолар, ранг-баранг ленталар ўрнатилган. Ўқувчиларнинг кайфияти шодон.

Қадри фарзандларим!
Авваламбор, сизларни, мана шу муҳташам майдонда тўпланган, қизгин беллашувларга шай бўлиб турган барча ўғил-қизларимизни бугун қадим Хоразм воҳасида бошланаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан «самимий муборакбод» этаман.

«Умид ниҳоллари» деб ном олган, ўқувчи ёшларни чиқариб, иродасини тоблайдиган бу кескин спорт мусобақалари уни-ўсиб келаётган сиз, ёш авлоднинг Ватанини ҳимоя қилишга, уни улуглаш, қудратига қудрат қўшишга, халқро майдонларда унинг оёру ва нуфузини янада юксалтиришга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Эл-юртимиз бугун сизларга катта умид боғлаб, том маънодаги баркамол бўлиб етишишингиз учун барча имкониятларни яратиб, олдингизда истиқболнинг раvon йўларини очиб бермоқда.

Бугун сиз, азиз болаларимизнинг бетакрор ўқувчилик йилларининг сермазун ва тўлақонли бўлиб ўтиши ва ҳаётда муносиб ўринингизни эгаллаб олишингиз учун ота-оналарингиз, устоз-мураббийларингиз қаторида бутун халқимиз тинмай хизмат қилмоқда.

Ишончим комилки, сизлар мана шундай юксак эътиборга жавобан халқимизнинг таянчи ва суюнчи, Ўзбекистоннинг ҳақиқий ватанпарвари бўлиб улғайишга, жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз байrogини ҳамisha ба-ланд кўтаришга бор куч ва имкониятнингизни сафарбар эта-сиз.

Мен Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд сингари буюк баҳодирлар етишиб чиққан мана шу муқаддас заминда бўлиб ўтадиган спорт беллашувларида барчангиз голиблик учун ҳалол ва мардона кураш олиб борасиз, маҳорат ва қатъиятнингизни намоён этасиз, деб ишона-ман.

Азиз ўғил-қизларим!
Шу фурсатдан фойдаланиб, қисқа муддатда замонавий ва муҳташам спорт иншоотларини бунёд этиб, сизларнинг ихтиёрингизга топширган кўли гул курувчиларга, шу хайри ишга қатнашган барча ташкилотлар, туман ва вилоят ҳокимликларининг ходимлари ва раҳбарларига, бутун Хоразм аҳлига сиз, ёшларнинг номингиздан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Жисмоний баркамоллик, куч ва ирода, гўзаллик ва нафосат байрами бўлган бугунги спорт ўйинларининг бошланиши билан сизларни яна бир бор қўлаб, барчангизга бўлгуси беллашувларда зафар ёр бўлишини тила-ман.

Спортда ҳам, ҳаётда ҳам бахт ва омад доимо ҳамро-нингиз бўлсин, азиз фарзандларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



ХОРАЗМ спорт байрами оғушида

моқдаки, беихтиёр бундай кунларимизга кўз тегмасин, дейми.

Спорт ўйинларига ба-ғишланган тантанали ма-росимни Хоразм вилояти ҳокими И.Бобожонов очди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзе-бекистон Республикаси мак-таб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинла-ри иштирокчиларига табри-гини Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Стадион узра Ўзбеки-стон Республикаси Давлат мажлиси аъзolari, Ўзбеки-стон Республикаси Давлат

байроғи ва «Умид ниҳолла-ри» ўйинларининг байроғи кўтарилади.


ва Урганч шаҳарларига, воҳанинг Хазорасп, Янги-бозор, Хонқа, Богот, Шо-вот туманларига саёҳатга чиқадилар. Хоразм ёшлари билан учрашиб дўстлаша-дилар. Мусобақалардан бўш вақтларида кўнгилли маданий ҳорлик чиқариш-лари учун ҳам имконият етарли. Оғаҳий номдаги вилоят театри жамоаси, ви-лоят кўнрақ театри, му-сика билим юрти талаба-лари, санъат гимназияси, му-сика мактаби ўқувчилари ёш спортчилар — меҳ-монларга ўз концерт да-турларини намоиш этади-лар.

Фарзандларимизга ота-боболаримиздан нафақат шижоат, жасорат, мардлик фазилатлари, иштиёқ-мандлик ҳам мерос. Бун-дай дейишимизнинг саба-би — «Умид ниҳоллари — 2003»нинг тантанали очи-лиш маросими кеча кечу-рун бўлиб ўтган бўлса-да, иштирокчилар баҳслари эрта-лабданок бошлаб юборилар.

Соат 9.00 да Урганч Да-влат университетини спорт мажмуасида баскетбол бўйича ўғил болалар, Ур-ганч қурилиш коллежи спорт залида қиз болалар, волейбол бўйича беллашу-ларда қизлар Урганч ши-лоқ сув ҳўжалиги спорт мажмуасида, ўғил болалар Хазорасп педагогика колле-жи спорт залида, қўл тўпи ўйинларида ўғил болалар Хива махсус спорт интер-натида, қизлар эса «Олим-пия захиралари» спорт кол-лежида баҳслари бошлаб юборишди. Шунингдек, «Хонқа», «Богот», «Хива» стадионларида футбол ўйинлари авж олди. Теннис, стол тенниси, шахмат бўйича саралаш мусобақа-лари ҳам эрта-лабданок бош-ланди.

«Умид ниҳоллари-2003» ўйинларининг тантанали очилиш маросимида Ўзе-бекистон Республикаси Пре-зидентининг Давлат масла-ҳатчиси Т.Гўзалбергенов, Т.Рисқиев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Х.Кароматов иштирок этди.

СУРАТЛАРДА: Байрам-нинг тантанали очилиш ма-росимидан лавҳалар.
(ЎЗА олган суратлар).



Олий Мажлисида

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ адолат ва соғлом фикрга суйнади

Кеча Олий Мажлисининг Қонуничилик ва суд-ҳуқуқ ма-салалари қўмитаси ҳамда Ўзе-бекистон Республикаси Олий суди одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчи-лари институтини ривожланти-риш истиқболларига бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Унда депутатлар, судья-лар ва амалдорлар ҳодимлар, олимлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари институ-тининг алоҳида ўрни бор. Судлов жараёнида халқнинг бой тажрибаси, адолат ва соғ-лом фикрга асосланган мезон-ларига таяниш айна халқ

маслаҳатчилари иштироки ор-қали таъминланади.

БУГУНГИ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

САМАРҚАНД (Ўза мухбири А. ҚАШИЕВ). Самарқандда қишлоқ хўжалигини амалга ошириш-даги ислохотлар жараёни, долзарб юмушлар: гўза агро-техникаси, галла парвартиши, ўрим-йўғим масмунига тай-ёрларлик босқичидаги вазифа-ларга бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигини дахлдор республи-ка ташкилотлари раҳбарлари, вилоят бошқармалари бош-лиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Ингилзида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исмоил Журабеков бошқарди. Сузга чиққанлар деҳқончи-лик босқичида вилоятда бой тажриба мавжуд эканини таъ-кидлашди. Самарқандлик ми-ршикорлар, ўзлар учун исба-тан айтиш технологияси — пилёна остига чигит экишда ҳам етарли малакага эга экан-лигини исбот этишмоқда.

Ингилзида кўриб чиқил-ган масалалар юзасидан тегиз-либ тавсиялар ишлаб чиқил-ди. Ингилзида Самарқанд ви-лояти ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

КАШҚАДАР («Халқ сўзи» мухбири Н. РАВШАНОВ). Деҳқонга ҳеч бир йил осон бўлмаган. Жумладан, бу йил ҳам табиат ўз хунарини кўрса-таётди. Шундай пайларда таж-риба, матонат, кенгашиб иш қилиш ўз натижасини беради. Шу жиҳатдан Қарши тумани-даги Чўли ота номли хўжа-ликнинг дала шийпонига бўлиб ўтган Қашқадарь вило-яти қишлоқ хўжалик ходим-

ларининг кенгаши, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Кен-гашда қишлоқ хўжалик иш-лаб қилиниши билан боғлиқ республика вазириликлари, идоралари, вилоят туманлари ташкилотлари раҳбарлари, ту-манлар ҳокимлари, хўжалик ва уюшмаларининг раислари қатнашдилар.

Жўрабеков бошқарди. Вилоят пахтачиларига ва гал-лачиларига ютуқ ва камчи-ликлар юзасидан республика ишчи гуруҳларининг хулоса-лари ҳайда ахборот берилди. Жаҳлардаги аҳоли ҳар то-монлама чуқур таҳлил қили-ниб, қишлоқ хўжалигининг долзарб вазифалари белгила-б олинди.

Тоғларида Бойчибор-нинг излари қолган, Ой-барчинлар рангдан сўзана-ларнинг тикан ўнгмаган Бойсунда бугун катта сай-ил. Санъат байрами, «Бойсун баҳори» очик халқро фольклор фести-вали тантаналари.

Баҳор янгилашни ва яшарлик рамзи. Яхшилик ва эзгулик тисмоли. Бах-шичилик, миллий анъана-вий музика ижроси ва фольклор этнографик да-сталари танловини ўз ичи-га олган фестивал бугун эзгуликнинг эскирмагли-гини, аксинча, асрлар оша халқ қалбига навқирон қўшиқ бўлиб жаранглаб туришини яна бир бор намоиш этмоқда.

— «Бойсун баҳори» ўтган йили гунча бўлиб эсла 1000 нафарга яқин киши йиғилган. Улар ичнда кўпчи республикалардан кел-ган меҳмонлар ҳам бор эди. Терроичлик оқибатида, асо-сан, қариялар ҳалок бўлди.

«Бойсун баҳори» очик халқро фольклор фестивали Қўшиқлар қанотидаги довруқ

чиroy очган эди, — дейди фестивалнинг ҳомийла-ридан ҳамда ташкилотчилари-дан бири «Еми Азия» ком-паниялар гуруҳи раҳбари Алексей Арапов. — Бу на-фис фестивални ўтказиш учун атайин Бойсун юрти танлангани бежиз эмас.

ЮНЕСКО Бойсун халқ озгаки ижодини инсоният-нинг номодий бойликла-ри дурдонаси, деб эълон қилган. Ёшу қариси санъ-атта шайдо, илму ҳунарга интилувчан, мушоҳадағўй шу заминини инсоният

ўтмиши битилган қомус-лардан бирига ўхшатаман. Дўмбира ва сурнайнинг тоғ-тошлардан қайтган акс садолари бутун кенгликлар-ни тўлдирди. Халқ қўшиқ-лари долақизгалдоқ бўлиб ёнади. Сел бўлиб қуйил-ди. Турли тилларда янгра-ган қўшиқлар туташ ир-моқлар мисол дарё бўлиб оқди.

— Шу жиҳатдан олганда ҳам Бойсуннинг турфа гуруҳ ва дасталари бағри-га жам қилиб, уларнинг маҳоратига ҳакамлик қилишга тўла маънода ҳақи бор, — дейди фестиваль сценарийини муаллифи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холиқ Хурсандов Арапов-нинг фикрларини давом эт-тириб. — Фестивалнинг бу йилги дастури, айниқса, ранг-баранг. Оқиллар, жирчилар, бошқилар, ла-парчилар, раққослар, халқ амалий санъати дизайне-ларининг завқли мулоқот-лари, баҳс-беллашувлари умумжаҳон санъати дурдо-налари сифатида дилларни забт этажак.

— Ўтган, йилги танловга эллика яқин бахши кел-ганди. Мен эллика яқин мактабни, эллика яқин дунёни кўргандай бўлган-дим, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев. — Меҳмонлар сафи бу йил янада кенгай-ган. Санъат дунёни бир-лаштирди. Бойсун анжу-мани мамлакатимиз довру-ғига довруқ бўлиб қўшил-ди.

О. УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Шарҳловчи минбари

Чеченистон: ПОРТЛАШ УСТИГА ПОРТЛАШ

Кеча тахминан соат 16.00 да Чеченистоннинг Илдекон — Юрт аҳоли пунктида яна террорчилик содир этилди.

Республика маъмурияти раҳбари вакилининг маслаҳатчи Шамсаид Саралиевнинг айтишича, кўпуровчиликни аёл камикезде амалга ошир-ди. Чеченистон Бош вазири ўринбосари Мовсар Ҳамидов-нинг таъкидлашича, одамлар намоз ўқийётган пайтда белги бир неча бомба боғлаб олган аёл югуриб келиб ўзини порт-латиб юборган. Терроичлар икки киши бўлган деган тах-минлар ҳам бор.

«Интерфакс» агентлигининг маълумотига қараганда, тер-роичлик оқибатида 10 нафардан зиёд киши ҳалок бўлди, яраланганлар сон эса анқ-ланмоқда. Тахминларга қура, улар жуда кўпчиликини таш-кил этиши мумкин. Чунки портлаш содир этилган қиш-лоқда Мухаммад пайгамбар-нинг тавалуд кунни муноса-бат билан қатна диний бай-рам ўтказилаётган эди ва у



«Халқ сўзи» назоратида Тарозидан норозилик камаядими?

«Халқ сўзи»нинг 2003 йилги 1 апрель соинда чоп этилган «Тарозидан ким норозий?» мақоласи «Тошбозор-тайёрловса» муассислари ва аъзоларининг 4 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида муҳо-кам қилинди. Юнусобод, Бешёғоч, Эски Жуна универ-сал бозорлари бошқарув ра-ислари Р. Пулатов, А. Шодмо-нов, Қ. Абдуллаевларга мақо-лада кўрсатилган камчилик-ларни бартараф этиш ҳамда айбдор ходимларга нисбатан маъмурий жазолар қўллаш тўғрисида кўрсатма берилди. Хозирга келиб, бозор акция-дорлик жамиятларида махсу-лотлар сотилиши, сангтария ҳолати, тарози ва назорат тарозиларининг иштиллари устидан назорат қўйиштирилди.

«Юнусобод универсал бо-зори» акциядорлик жамияти-нинг 2003 йил 2 апрелдаги 36-сонли буйруғига биноан, хизмат вазирига масъули-ятсизларча қарагани, тошу та-розиларни вақтида назоратта

олмагани ва расталар озода-лигига етарли даражада эти-бор берагани учун 5-павил-дон катта назоратчини С. Та-ришқовга ҳайфсан эълон қилинди. Тарозибозорининг ишга лаёқатсизлиги уқтириб ўтилди. Сақлаш мuddати кўрсатилган печене билан савдо қилаётган сотувчилар фаолияти тўхтатилди. Келгу-сид бундай ҳолатлар қай-тариқмаслиги учун бозор бош-қаруви раисни, солиқ инспек-цияси ходимлари, шохобча мудирлари, назоратчилар ва барча қасбобор иштирокда мақола муҳокамаишга бағи-ш

Х. СОДИКОВ,
«Тошбозор тайёрловса»
руёминси
бошқаруви иштирокчи
ўринбосари.

Сессиядан кейинги ўйлар

Одатда, ҳар гал Олий Мажлис сессиясидан кайтганимдан сўнг сайловчиларим, мактаб ўқувчилари, далада ишлаётганлар билан шохмаздан, бафуржа гаплашиб олгим келверади. Аникроги, одамларнинг ўз депутатлари билан учрашиш, унинг сафар таассуротлари билан ўртоқлашишга рағбатларини сезиб тураман.

МАРРА

ИНТИЛГАННИКИ, ИШЛАГАННИКИ

Ана, кенг, сокин дала. Деҳқон гурун-суҳбатларини нарига суриб қўйиб ишламоқда. У энди чин барг чиқарган ҳар бир туп гузнинг бузгини қатқалоқдан бўшатди. Ҳар туп гуза билан тиллашди. Унга минг эғлиб, меҳрини тўкиб ишлади. Аини пайтада у гузнинг баригдан рўзгорининг риқ-рўзини кўргиси, уқиб олгиси келди. Муҳозаалари, табиийки, қиллоғи, маҳалласи, юртининг бутунги кунига боғланиб кетди. Олий Мажлис сессияси ҳақида кеча телевизорда кўриб, эшитганлари хотирасида жонланади. Ниманидир ўйлади — руҳи тетик тортиди. Ва, яна неадир бир мушоҳада уни ўйлантириб қўйди: тасаввур қилдинг, ана шундай пайтада депутат унинг хузурига келиб қолса.

Бир қарашда рўзгорини даласидан бошқа гап билан қизиқмайдиган бир онамиз мендан ўтган сессияда Конституциямизга қиритилган ўзгарткилар ва қўшимчалар ҳақида синчиклаб суриштириб қолди. Қарасам, мунозарадан жўнгина четлаб ўтиб бўлмайди. «Сенат» нима, «Қонунчилик палатаси» дегани-чи? Бу сўзларнинг ҳатто — луғавий маъноларини шарҳлашдан тортиб, маҳалла фуқаролар йигини Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсата оладими, йўқми — шу маззуларга ойдинликлар киритишга тўғри келди. Туманимизнинг маълум бир қисми тоғ ҳудудларида жойлашган. Тоғ қишлоқларидан учтаси газлаштирилди. Ичимлик суви таъминоти янгилаш тадбирларидиққатини ўзига жалб қилиб. Изчиллик ва бағрикенглик. Шохмаслик ва хотиржамликка берилмаслик. Оқибатликлик ва керакли гапни вақтида, айни мавридидан келганда айтиб бериш. Дуст киму ганим кимлигини таниб билиш. Вазминлик ва журнат. Уша оқоққол ҳурматли Президентимизнинг ишлари, фаолиятларида бу фазилатлар мўжасамлидиган фахрларини таъбирини. Сессия ишини, мамлакатимизда олиб борилаётган бутунги ишларини кузата бориб, ўзим илганга бу гапларнинг тўғрилиги яна бир бор ишонгандай бўламан. Суҳбат бундай маззуларга буринганда гап қисқа қайтмайди. Фалончи ўзи гапириб, ўзи қўйди деган гап бўлмайди. Давлат бошқарув идораларидаги янги гаплар,

кат тараққиёти ва фаровонликка эришининг ягона йўли — бу фақатгина изланиш, янгилаш ва илоҳотлар йўлидаги олга интилиш йўлига ўзларини чоғлайдилар. Бошқарув ва ижро тизимлари ишларининг бир-бирига мувофиқ келишини ўзлари, фарзандлари, келажак авлоди қанчалик манфаатдор эканлигини идрок қилдилар. Янгилаш ва интилиш. Бу нима дегани. Бу гапларнинг мазмуни олдий — меҳнат қилиш, ишлаш. Ўзим кузатган уч йил аввалги бир ҳолатни эсламан. Депутат сифатида одамларнинг турли идораларга ёзган ариза ва шикоятларини қараб чиқсам, уларнинг 80 фоизи боқимандалик кайфиятлари билан битилган экан: менга молдй ёрдам беринг. Расм бугдой берма-

япти ва ҳоказо. Ҳозир-чи. Ҳозир ҳам боқимандалик, олма пиш, оғзимга туш деган кайфиятлар барҳам топи деб бўлмайди. Лекин одамларнинг ўзларига, раҳбарларга, давлатимиз юртайтаган сиёсатга қарашлари бугун тамоман бошқача. Улар энди ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб, фикр юртайдилар. Қонунларни, сиёсат, ўзларига ишонча, деб билдилар. Шунчаки қорин тўйгазиш, енгиллик, имтиёз учун эмас, ишлаш, яратиш, интилиш учун имконият, шариот истаб ёздилар, мурожаат қилдилар. Бир талбиркорнинг фаолиятига қарсақ чалиб, маҳдйе бўлиб ўтирмайдилар. Ўзларини яратувчилик, фаровонликнинг тўлқинида кўришни хоҳлайдилар.

Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган XI сессияси, Президентимизнинг сессияда сўзлаган маърузалари одамларимиз шурида, қундалик ҳаётда шакллари ижобий ўзгаришларга, уларнинг ўз келажакларини идрок этишга боғлиқ орзу-интилишларига янгица маъно-мазмун бахш этётганини яна бир бор таъкидлаш бақамтидигимизни, аҳиллигимизни, умуммақсад йўлида бир ёқдан бош чиқариб ишлаётганимизни ҳис этиш, ишончимизга ишонча, кучимизга куч қўймоқда.



Шахрисабз туманидаги Амир Темур номи ширкат хўжалигининг 2-фермасида 310 бош қорамол парвариши қилинапти. Уларнинг 100 боши соғин сизир қилади.

— Сизирнинг сути оғзида,— дейди Ҳанифа она. — Яъни озуқа қанча мўл бўлса, у шунча кўп сут бераверади. Фермамизда 25 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улар 100 гектар майдонда беда, 80 гектар ерда галла ва 15 гектар пайқалда лавлаги ўстироқда. Галладан бўшаган ерга эса тақрорий экин сифатида маккажўхори экилади. Шу боис бизда озуқа масаласида муаммо йўқ.

СУРАТДА: илгор соғувчи Ҳанифа Содиқова. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Анжуман

Ахборот технологиялари — таълимга

Ҳозирги жаҳон тараққиётини компьютерларисиз, ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай технологиялар Ўзбекистонга ҳам кенг қўламада кириб келяпти. Энди ушбу соҳанинг ютуқлари ҳаётга атрофчила таъбиқ этиш учун эса соҳа мутахассисларини тарбиялаб этиштириш керак. Шу боисдан, республикамиз олий таълим муассасаларида компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини ҳаётга жорий этиш бўйича юксак малакали мутахассис кадрларни этиштириш масаласига катта эътибор кўрсатилаяпти. Шак-шубҳасиз, Тошкент ахборот технологиялари универси-

тети бундай таълим жаҳадида пешқадам, таянч ўрин тутади. Кеча бу олий таълим даргоҳида «Ахборот технологиялари ва таълим муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда турли олий таълим муассасаларидан келган мутахассис профессор-ўқитувчилар иштирокида 120 дан кўпроқ маърузалар қилинди. Анжуманда фундаментал, фанларни ўқитиш, таълим, теле-

И.САФАРОВ.

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида гапирилган эди

Қиш ўтган, андижонлик газчилар қаторида истезьмолчилар ҳам бир оз енгил тортиди. Негаки, айрим жойларда табиий газ жонимизга аро кириш уринга тутантириққа ҳам ярамаган бўлса, бошқа жойларда унинг таъминотида узиллишга рўй берди. Бироқ адолат юзасидан гапирадиган бўлсак, бу борадаги аҳвол ҳозир аввалги йиллардаги нисбатан анча яхшиланди. Бунда, табиийки, магистрал газ қувурларининг охири нуктасига

жойлашган Андижон вилояти аҳолисини асосан қиш ойларида табиий газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида барпо этилган Ҳўжабод ёстиги газ омбори муҳим аҳамият касб этди. Ана шу иншоот ёзги ва қишқи газ таъминотидаги номуғаносибликни тартибга солиш билан бирга, ёзи ойларида газни ер қабрида сақлаб, қишда уни тозалаб, аҳоли ва халқ хўжалиги тармоқларига етказиб бераётир.

Ҳисоблагич жиҳозлари кам

қарз эса бисёр

Бундан ташқари, таъминотни яхшилаш мақсадида Балликчи ва Марҳаматда 14,2 километр масофада қувур ётқизибли, газ тақсимлаш шохобчалари ишта туширилди. Шаҳриқонда түрт километрик узунликка юқори босимли газ қувури фойдаланишга топширилди. Андижон шаҳри ҳақида Андижон туманини бир маромада газ билан таъминлаш мақсадида Андижон айланма газ қувурининг қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Андижон шаҳрининг «Бўстон» даҳасида эса газ тақсимлаш шохобчаси қад ростланди.

Кўриниб турибдики, вилоятда аҳолини табиатнинг ана шу бебаҳо неъматидан баҳраманд этиш учун қўйлаб ишлар қилинапти. Бироқ истезьмолчиларга, ичимлик суви, электр қуввати каби ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишимиз? Исроф қилмаётамизми? Ҳамма вақт ҳам уларнинг қадрига етайтимизми? Афсуски, бу саволларга ижобий жавоб берилмади қийин. Хали орамизда исрофчилар бор. Уларнинг байроқини ишларини қўриб-билиб турсалар-да, тумошбаниликдан нарига ўтолмаётган локяллар, муросулорлар ҳам бор. Холбуки, бепарволик, хўжасизлик, торг-торғ кўп сурган ерда диниятсизлик палак ёзди ва у иқтисодиётнинг қон томиларини исканжага олади.

Бундан ташқари, таъминотни яхшилаш мақсадида Балликчи ва Марҳаматда 14,2 километр масофада қувур ётқизибли, газ тақсимлаш шохобчалари ишта туширилди. Шаҳриқонда түрт километрик узунликка юқори босимли газ қувури фойдаланишга топширилди. Андижон шаҳри ҳақида Андижон туманини бир маромада газ билан таъминлаш мақсадида Андижон айланма газ қувурининг қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Андижон шаҳрининг «Бўстон» даҳасида эса газ тақсимлаш шохобчаси қад ростланди.

Бундан ташқари, таъминотни яхшилаш мақсадида Балликчи ва Марҳаматда 14,2 километр масофада қувур ётқизибли, газ тақсимлаш шохобчалари ишта туширилди. Шаҳриқонда түрт километрик узунликка юқори босимли газ қувури фойдаланишга топширилди. Андижон шаҳри ҳақида Андижон туманини бир маромада газ билан таъминлаш мақсадида Андижон айланма газ қувурининг қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етказилди. Андижон шаҳрининг «Бўстон» даҳасида эса газ тақсимлаш шохобчаси қад ростланди.

Аҳоли талаби асосида

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Меҳри БОЛЛИЕВА). «Ўзбекистон» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Юдуз» ҳиссадорлик жамияти мамлакатимиздаги энг йирик тикув корхоналаридан биридир. Унинг тажриба, тайёрлов, бичув цехларида 1200 ишчи ва муҳандис-техник ходим меҳнат қилади. Фабриканинг чевар тикувчилари эркаклар костюм-шима ва аёллар костюмларини истезьмолчиларга етказиб бермоқда.

Асосий мақсади аҳоли талабига жавоб берадиган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. лекин мазкур жамият бошқарув раиси Шухрат Ақромов ЎЗА мухбирига: — Аввало, тайёрланаётган кийим-кечақлар учун асосий ва ёрдамчи материалнинг сифат даражасини назорат қилишга жиддий эътибор қаратмоқдамиз.

Хукуматимизнинг ички бозорини ўз маҳсулотларимиз билан тўлдиринга қаратилган қарорларни талабларига кўра ишлаб чиқариш сифати ва суръатини янада ошириш ҳақида уларни экспорт қилишга алоҳида эътибор беримиз. Шу мақсадда фабрикаимиз хузурида Ўзбекистон-Панама-Чехия қўшма корхонасини ишта тушириш бора-сандаги ишлар бошлаб юборилди.

ТАДБИРКОР ҚЎШМА КОРХОНА ОЧМОҚЧИ

БУХОРО (ЎЗА мухбири Илҳом САФАРОВ). «Р+А.А.А.» хусусий фирмаси раҳбари Раҳмат Исаев Шофиркон туманидаги қурилиш тўғрисидаги бинони 12,5 миллион сўмга сотиб олди. У иншоотни капитал таъмирдан чиқариб, бу ерда чарни қайта ишлаш цехи ташкил этди.

Айни кунда цехда қорамол териси ошланиб, рангланаб ундан тайёр маҳсулот: болалар, аёллар, эркаклар пойабзали, турли курткалар ишлаб чиқарилмоқда. Тадбиркор ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки-

нинг Шофиркон тумани бўлиминдан етти миллион сўм кредит олди. Бу маблағ янги иш ўринлари яратиш, бозорни сифатли маҳаллий маҳсулот билан тўлдиринга сарфланди. Тадбиркор келгусида ушбу цехни кенгайтириб, қўшма корхона очиб ниятда.

Қўлбола маҳсулот — умр заволи

Буханка нон келтириб сотаётган енгил машиналар гоҳ у маҳаллада, гоҳ бу маҳаллада пайдо бўлиб қоларди. Одамлар ноннинг сифатига эмас, ҳайдовчиларнинг беминнат хизматига маҳдйе эдилар. Бу нонлар қайси заводда тайёрланган, истезьмола яроқли ёки яроқсизлиги билан ҳеч ким қизиқмасди. Фақат солиқчилар ноқонуний савдодан хабар топганларидан кейингина ҳамма сир очилди.

Кузатувлар давомида қалавининг бир учи Буша шаҳар, «Янгиҳўёт» маҳалласидаги Навой кўчасида жойлашган гиштин биного келиб тутади. Сохта тадбиркор Рашид Йўлдошев укаси Илҳом, қўшнлари Икром, Дилшод ва Бахтиёрни ёнига олиб, шу ерда яширинча буханка нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйган экан. Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва Бўша туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текзор текширув давомида яширин пехдан соғина тахт қилиб қўйилган 578 буханка нон, 300 килограмм хамир тўла 3 та қозон, уч камерали 4 та электрпеч, сон-саноксиз темир қопиллар, давлат стандарти кўригилар ўтмаган тарози, унга пештахта ва бошқа жиҳозлар дилилий ашё сифатида олинди.

Дамқўл қишлоғида истикомат қилувчи Фуюдов Улуғбек Бўронов хонадонда ташкил этилган яширин ё цехи фаолиятига чек қўйдилар. Улуғбек бу цехни қишлоқлик укашон, вақтинча бениш юрган Анваржон Зуннунов билан тил бириктириб ташкил этган экан.


Огоҳ бўлинг!

лаб қўйилгани. Уларни пулга чаксангиз, 553 минг сўм кам чиқмасди. Салкам 2 миллион сўмлик 56 хил маҳаллий маҳсулот ҳам ҳужжатсиз савдога чиқарилган. Орасида акция маркасиёз 193 қути «Пине» сингратсиз ҳам бор эди. Хусусий тадбиркор Шерзод Абдукаримовнинг бу хатти-ҳаракати Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний ресурслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги 154-сонли қарори талабларига мувофиқ иш қўзғатилган. Яширин ё цехлари бошқа туманларда ҳам бирин-кетини ошкорт буюлапти. Яқинда Наманган вилояти Минтубул тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Уқорчи-

Текзор текширув ўтказилган кунни ҳисоб салкам 7,5 тонна чигит гамлаб қўйилгани маълум бўлди. Унинг бир қисми дориланган, бир қисми дориланмаган эди. 476 литр пахта ёғи, 800 килограмм кунжа-ра миջозларни кутиб туради. Ёғ олувчи ускуна электр қувватига ўришча уланган ҳолда гувиллаб ишларди. У дарроқ тоқдан узилди. Жиҳозларнинг барчаси далилий ашё сифатида рўйхатга олинди, суриштирув ҳаракатлари бошланди.

Дастлабки суриштирувда бино фуқаро Фарход Абдураимовга тегишли эканлиги, Рашид Йўлдошев унинг бир қисминини ижарага олгани маъ-

Одиджон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Мустақиллик — олий неъмат

XX аср охирида миллатимизнинг асрий орзу армонлари ушалди. Биз мустақиллик деган буюк саодатга эришдик. Мен — қария, бу фикрни катта ҳаёт тажрибамга суяниб, кўрган-кечирганларимга асослашиб айтаман. Чунки собиқ тузум шароитида мартабали курсиларга ҳам эришдик, кейин унинг турмаларида махбуслик азобларини ҳам бошдан кечирдик.

Ғарибдан шарифга айланган шаҳар

Шўро тузумида унинг чизигидан чиқсанг, бир лаҳза мустақил шахс сифатида яшаб, адолат, ҳақиқатни изласанг, мартабали бошлар ҳам сапцадай узилди ҳеч гап эмаслигини ўз кўзим билан кўрдим. Қўрқув, ҳадик, қабинда бир дард, чеҳранда эса бошқа бир ифода — носамимий, сохта бир шахсият билан яшаш — мустақиллик тузумининг ҳар бир фуқаросига хос бир ҳолат эди.

Аллоҳ насиб қилиб, мана, Истиқлолга ҳам эришдик. Бугун ўз эркимиз, ихтиёрийимиз ўзимизда. Юртимизнинг қадди тик — у бутун дунё танийдиган бир давлатга айланди. Халқимиз ўз миллий турмуш тарзига эришди. Бировдан изн сўрамаймиз, бирова ялтоқлик қилмаймиз. Хотиржам ётиб-турамиз, хотиржам яшаймиз, хотиржам меҳнат қилаемиз.

Бу эмин-эркин, осойишта ҳаёт учун мустақилликни билан қайтарган мухтамар Президентимиз Ислам Каримовдан халқимиз ва унинг келгуси авлодлари абадул-абад миннатдор бўлалар.

Хуллас, мустақиллигимиз шарофатини, унинг ҳақимиз учун олий неъмат, ноёб бахт эканлигини далиллар учун бугунги кунни яқин ўтмишда мен ўз ҳаётимда кўрганларим билан бироз таққосламоқчиман. Янада аниқроғи, мен ўзим шохиди бўлган кечани ва бугунги Бухорони имкон қадар қисламоқчиман.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари бошланишида мен Бухоро вилоятига ишга келдим. Кўз кўнларни эди. Мактаблар, ташкилотлар тақатқа ёпилган. Тондан то ҳуфтонтгача ёшу кекса ҳаммаси пахта «фронти»да. «Фронтчасига ишлаш» — ўша даврнинг шiori. Халқнинг турмуши, тирикчилиги эса ниҳоятда оғир. Лекин «фронтчасига ишлаш» шароитида бундан оғиз очиб бўлмас эди. Оғиз очсанг балога қолсан.

Бу ҳам етмаганидай, халқ ҳаётини ўйлашни кўйинг, биз фронтни озуқа билан таъминлашимиз зарур эди. Бу эса янада осон

эмасди. Яъни ўзи оч-наҳор яшаётган халқнинг оғиздаги сўнгги бурда нонни, ҳатто увонқи ҳам юлиб олиб, фронтага жўнатиш талаб қилинади эди. Фронт ортидаги халқ — қариялар, хотин-халалар, болаларнинг эти устхонига ёпишиб қолган, дармонсиз, ҳатто очликдан ўлишлар ҳеч гап бўлмади қолган эди.

Шўро тузумида одамнинг қадри йўқ эди. У, нари борса, жамиятнинг бир «винти» эди. Биз ҳам шундай эдик. Ўзгача яшаш, ўзгача ишлаш, ўзгача фикрлаш талаб қилинмас эди. Шу оч-наҳор халқ билан Фарҳод ГЭСини қурдик. Каттақурғон сув ombорини бунёд этдик. Халқ зах палаткаларда яшаб, қор-ёғғир остида қолган эдик. Тилни тузум кесиб ташлаган эди.

Бунинг устига, фронт эркаларни тўхтовсиз қолдирди. Хонадонларда йнги, мотам қундалик ҳодиса эди. Одамлар кулги-шўхликларни унутиб қўйган эди...

Бугунги ёшларга бу гаплар бир чўпқакдай, кўрқинчли бир ривоятдай туюлар. Чунки улар бошқа ҳаёт бағрида яшашпти. Уларнинг турмуши бошқа, ўй-хаёллари бошқа, орузлари бошқа. Уларнинг бегуброқ, беҳадик, тоза чеҳралари биз, кексалар учун ҳам бир давлат. Лекин улар биз қандай шукуҳуз бир даврга яшаганимизни ҳам билиб қўйсалар, фойдалан холи бўлмайди.

Маълумки, Бухородаги тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашга у даврларда заррача эътибор берилмади. Улар тутдай тўкилиб бормоқда эди. Ҳатто, бу ёдгорликларни таъмирлаш шарт эмас, улар шу намлиги, нураб-қақшаб бораётганлиги билан тарихий, деган кинояли бир қараш ҳам қулоқча чалиниб турарди. Бу қарашдан ўстишимизга киборларча, мустақилларча муносабат заҳари томиб турарди. Лекин шу заҳарли қарашга эътироз билдиришнинг сира иложи йўқ эди. Чунки инон-ихтиёрийимиз ўз кўзимизда эмасди... Хуллас, яқин ўтмишда «Бухороий шариф» деб атал-

ган бу шаҳар Бухороий ғариб эди.

Яқинда, насиб этиб, Бухорога бордим. Буни қарангки, мен кўрмаганимдан бери бу шаҳар тубдан ўзгариб кетибди. Фарқ — эски Бухородан ер билан осмонча. Ажойиб кўчалар, майдонлар, каналлар бўйида хиёбонлар. Бухоро спорт мажмуаси, Абу Али ибн Сино номлидаги маданият саройи, замонавий меҳмонхоналар, «Семурғ» мажмуаси, «Хумо» теннис корти, вилоят ҳокимлигининг муҳташам биноси, университет, тиббиёт коллежи...

Бухоронинг тарихий ёдгорликлари қайтадан жилоданиб, нур сочиб турибди. Мана, кекса Арк! У инқилобий тўнтарини йилларида Фрунзе тўплари, шўро аэропланларининг ҳаво ҳужумидан емирилган. Унинг қулаётган гавдаси, айлана деворлари пишиқ гишлар билан тикланиб, пардозланибди. Бу ердаги Маъити Калон, Мирааб мадрасаси, Кўкалдощ, Улуғбек мадрасалари атрофлари очилиб, бир саранжом-саранжаллик бағишланган. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи забунлик қаъридан олиб олиниб, обод, гавжум бир зиёратгоҳга айлантирилибди... Бухорода тарихимиз қайтадан юз очилди. 2500 ёшини мустақиллик туфайли нишонлаган бу шаҳар Шарқда, Фарбда, бутун дунёда яна тарихий мартабасини тиклаб олди.

Бухоро яна Бухороий шарифга айланди. Бухоронинг бугунги жамолини кўриб, унинг янада саботат ва шукуҳ касб этдиган эртасини тасаввур қилиб, мен, кекса Ўзбекистон фуқаросининг руҳи кундай ёриши, кўнгилм қувонч ва мамнуниятдан яйради.

Ҳа, Истиқлол фақат юртнинг яшартирмапти. У инсонни ҳам яшартириш қудратига эга. Бундай замонда яшаганинг сайин яшагинг, ҳар кунни тугилаётган бир ободлик, бир юксалишни кўрганнинг сайин яна кўрдинг келаверилади.

Шу ривож, шу равақ сенга ҳаминиша ҳамнафас бўлсин, она юртим! Бобомурод ДАМИНОВ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда фан зиммасига таълим мазмунини тубдан янгилаш, таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва кўланмалар, юқори маалаки илмий ҳамда илмий-педагогик мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, илмий, методик ва амалий ёрдам кўрсатиш сингари вазифалар юклатилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Унинг барча илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш, дарслик ва ўқув кўланмалари яратиш, олий ўқув юртлири талабаларининг дарс ва амалиётини илмий лабораторияларда ташкил этиш, академик лицейлар, коллеж ва ўрта мактаблар аамалий ёрдам кўрсатиш бўйича тузилган дастурлар асосида изчил ишлаётганлиги белгиланган вазифаларни бекаму кўст бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Академиянинг Ядро физикаси институти олимлари Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабда чуқурлаштирилган дастур билан физика, математика, информатика ва инглиз тили фанларидан машғулот ўтказилган бўлса, Исидиклик физикаси бўлими Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги «Миробод» академик лицейи ва Тошкент архи-

Мақсадли ҳамкорлик мевалари

Миллий дастур: изланиш ва натижа

тектур-қурилиш институти ҳузурдаги лицейда физика-математика фан кабинетларини ташкил этиб, жиҳозлаб берди. Эндликда ўқувчилар илмий-амалий нуқтага назардан барча талабаларга жавоб берадиган замонавий фан кабинетларида олимларнинг қизиқарли машғулотири, маърузаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

«Физика-Кўёш» илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси қошидаги Материалшунослик институти ходимлари томонидан Паркент туманидаги «Кўёш» кўрғончасида яшовчи ўқувчилар учун физика, математика ва информатика фанларидан ўтказилган дастур билан машғулотлар эса йигит-қизларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга, уларнинг шу фанлар сир-асрорларини ўрганишларида катта ёрдам бермоқда.

Шуниси қувончлики, лицей талабасининг олим билан юзма-юз мулоқоти унинг илмга бўлган инти-

лишини кучайтириб, оидин орзуларини мақсалга айлантирмоқда. Бу эса ёшларнинг яхши ният билан илм-фан оstonасига қадам қўйишлариға омили бўлмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги Саъди Сирожилинов номли академик лицейнинг бир гуруҳ талабалари «Ботаника» илмий ишлаб-чиқариш марказида тадқиқот ишларини олиб бораётганлиги ушбу фикрнинг далилидир.

Мактаб ўқувчилари, академик лицей ва коллеж талабаларининг Қори-Ниёзий, Яхё Гуломов, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминов, Обид Солиқов, Солиқ Азимов, Тошмуҳаммад Саримсоқов сингари кўпдан-кўп аллома олимларимизнинг ҳаёт йўли, илмий фаолиятини, фан равақига қўшган улкан ҳиссалари тўғрисида кўп ва ҳуб биллишлари улар орасидан ҳам ана шундай атоқли академикларнинг етишиб чиқишига даъват бўлиши, шубҳасиз.

Академиянинг Геология ва геофизика институти олимлари пойтахтнинг Акмал Икромов туманидаги Ҳабиб Абдуллаев номли ўрта мактабда ва Мирзо Улуғбек туманидаги 79-сонли гимназияда «Тоғлар таъини қилган олим», «Ҳабиб Абдуллаев — буюк олим ва жомоат арбоби» мавзусида ташкил этган дарслар ўқувчиларда катта таассурот қолдириши билан бирга қизиқиш ҳам уйғотаётганлигини кўриш мумкин. Археология институти илмий жамоаси эса Самарқанд санъат ва туризм коллежи ўқувчиларини қадимшуносликнинг энг ноёб топилмалари билан таништирибгина қолмай, аини пайтада «Тарихий ўлкашунослик музей»ни яратиш йўлида ҳам фидойилик кўрсатмоқдалар. Бу борада Тарих институти олимлари томонидан амалга оширилётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Улар Ўзбекистон «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан бирга-ликада мактаб, академик ли-

цей ва коллежлар ўқувчилари ўртасида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик танловини ўтказиб, ёшларнинг халқимиз ва мамлакатимиз тарихини ўрганишида ҳамда миллий истиқлол юляри руҳида таълим-тарбия олишида маладор бўлмоқдалар. Яхши биласизки, табиатни муҳофаза қилиш, айниқса, ер, сув ва ҳавонинг заҳарланишига йўл қўймаслик бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб ҳисобланади. Буни ёшларнинг онги ва шуурига сингиртиш, уларни бу муҳим масалага ҳаминиша ҳушёр қарашга ўргатиш лозим. Фанлар академиясининг Микробиология институти олимлари худди ана шу мақсадда қатор лицей ва коллежларда «Экология», «Биология ва экология» фанларини талабаларга кунт билан ўргатаётганликларини эътироф этмоқ керак. Бу ҳайрли иш доирасини янада кенгайтириш нур устига аъло нур бўлур эди.

Нуриддин ОЧИЛОВ.



«Санам» майдонга чиқди

Жорий йилдан бошлаб Қорақалпоғистонда шолдининг эртапишар ва серҳосил нави — «Санам» экила бошланди. Мазкур навининг афзаллиги шундаки, экилган шолни август ойида йиғиштириб олингач, ўрнига бемалол бўлдоқ экиш мумкин. Эки аксинча, кузги бўлдоқдан бўшаган майдонларга июнь ойининг сўнгги ҳафтасига қадар шолни экиш имконияти бор.

«Санам»нинг ҳосилдорлиги 55-60 центнерни ташкил этади.

Бу Ўзбекистон шолчилик илмий-тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиали олимларининг сай-й-ҳаракатлари натижасидир. «Туркистон-пресс»

Таянч пунктларининг суянчлари

Кувасой шахрининг қоқ марказида, жойлашган шохбекат қаровис ҳолга келиб қолди. Қирғизистоннинг Қизилқия шаҳри, Новқат, Учқўрғон қишлоқларига йўл олган автобуслар шу бекатда тўхтаб ўтарди. Кейинчилик бу манзиларга автобус қатнови деярли тўхтади. Шу тариқа бекатдан файзу-тароват кўтарилди, бир гуруҳ кўча болалари тўпнадиган масканга айланди.

Бийонидек бинонинг ўз ҳолига ташлаб қўйилиши шаҳар ҳокимлигида ташвиш уйғотди. Шаҳар ички ишлар бўлимининг тақлифи инобатга олиниб, бу ерда милиция таянч пункти барпо этишга қарор қилинди. Бунини эшитиб, О. Раҳматов номли маҳалла фуқаролар йиғинидагилар ҳурсанд бўлиши. Чунки маҳалла фуқароларининг тинчлиги, осойишталигини қўриқлайдиган маскан вужудга келди-да.

Таянч пунктини ҳашар йўли билан бунёд этишни шу маҳалла урамиди цемент ишлаб чиқариш комбинати, «Квари» ҳиссалдорлик жамияти ва қатор тадбиркорлар ва

ишбилармонлар ўз зиммасига олишди. Бир ой ичида эски шохбекат тамомида ўзининг қиёфасини ўзгартириб, янги вазифасини бажаришга кириши. Мўжазгина бинода профилактика инспекторлари, посбонлар сардори, педагог-

Жомоат тузилмаларида

тарбиячилар учун алоқидла хоналар ажратилиб, чиройли, бежирим қилиб жиҳозлаб ҳам берилди. Бундан ташқари «Нуроний» жамғармаси, хотин-қизлар кенгаши, ёшлар билан ишлаш, яраштириш ва маъмурий жомоатчилик комиссияларининг ишлаши учун қулай шaroитлар, имкониятлар яратилди.

Яқинда дастлаб вилоят, сўнгра республика миёсида таянч пунктларининг қуриқ-танловлари бўлиб ўтди. «Намунали милиция таянч пункти» деб номланган бу қуриқ-танловда вилоятдаги 315 та пункт орасида мазкур 84-сонли таянч пункти энг намунали деб топилди. Республика қуриқ-танловида ҳам мазкур

таянч пункти иши 3-ўринга муносиб қўрилди.

Вилоятдаги жомоат тузилмалари билан бақамти, бамаслаҳат фаолият кўрсатаётган таянч пунктлари фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлабгина қолмай, улар-

сақлаб қолинди.

— Таянч пунктларимиз фуқароларнинг, айниқса, вояга етмаганлар, ўсиб келаётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим роль ўйнапти, — дейди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги Оялжон Форуфов. — Таянч пункти ўраминдаги ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро билан доимо алоқа боғлаш, мулоқотда бўлишга ҳаракат қилинапти. Бу эса маҳаллада маънавий муҳитни соғомлаштиришга олиб келмоқда. Профилактика инспекторлари билан ёнма-ён, қадамба-қадам меҳнат қилаётган маҳалла посбонни ҳам жомоат тузилмаларининг фаолларидан бирига айланиб бормоқда. Ҳозир таянч пунктлари қошида 5800 дан зиёд маҳалла посбони фаолият кўрсатапти. Улар орасидан энг бақувват, жасур ҳамда фидойий йиғилар сардорлиқка саралаб олинган.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
 КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
 136-09-25
 132-10-63
 242-хона

«O'ZLITINEFTGAZ» OAJ

БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН ТАЊЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ШОПТИЛИЙОТС!

«Ўздэуавто» компанияси «Асака» банки билан

биргаликда 2003 йил 1 августга автомобилларни кредитга сойишни бошлади.

Дастлабки бадал, автомобиль кийматининг 60%ини ташкил этади, қолган 40%эса 2 йил давомида йиллик 20%ҳисобга олинган ҳолда тўланади.

Автомобиллар сизларни расмий дилерларнинг салонларида кутмоқда.

Манзил: Тошкент ш. Т.Шевченко к. 2-уй.
 Телефон 56-75-07 (кадрлар бўлими).

Тараддуд

Олий таълим карбонбошиси

Сиз ҳам, мен ҳам ва яна кўпчилигимиз собиқ Тошкент давлат университети — эндиликда Ўзбекистон Миллий университети мақомини олган олий ўқув даргоҳининг қай бир йилги талабаларимиз. Шу кунларда ҳар биримиз учун азиз бу билим масканининг кўтлуғи саксон беш йиллигига тайёргарлик ҳаракатлари бошланди...

Утган йиллар мобайнида бу олий ўқув юрти ҳар жиҳатдан юксалди. Мамлакатимиздаги барча университетлар учун ўқув, илмий-услубий, маънавий-маърифий масалалар юзасидан таянч олий таълим муассасаси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мактаблар худди шу даргоҳда шаклланди.

Университет илмий кенгашининг кўтлуғи санани нишонлашга бағишланган махсус йиғилишида қатнашган республика олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Аюпов таъкидлаганидек, бой анъаналар, қадриятларга эга, фундаментал тадқиқотлар ўчоғи бўлган бу билим даргоҳининг салоҳиятини янада оширишга эндиликда алоҳида аҳамият бериш лозим. Юбилей баҳонасида шу даргоҳда илм қилган, ишлаган домдаларни ёдга олиш айна савоб ишлардан бири бўлади. Тантаналар ўтатиладиган октябрь ойига алоҳида аҳамият бериш лозим. Юбилей баҳонасида шу даргоҳда илм қилган, ишлаган домдаларни ёдга олиш айна савоб ишлардан бири бўлади. Тантаналар ўтатиладиган октябрь ойига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Ўзбекистон Миллий университети ректори, академик Тўрабек Долимов Олий ўқув юрти республикамизнинг илм-фан, маданият ва маориф соҳасининг навқирон бугунини ва келажакни кўрсатувчи ойна бўлиши кераклигини алоҳида уқтираркан, катта жамоани билим масканининг кўтлуғи тўйини муносиб кўтиб олишга ундади.

Умидда ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири.



Устанинг эсдалик совғалари

Риштон кулолчилик корхонасида кўлаб таниқли хунармандлар меҳнат қилишади. Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Набижон Қодиров — шулардан бири. Унинг кўлида сайқал топган сопол буюмлар Швейцария, Япония, Болгария ва Россияда ташқиқ этилган кўлаб кўрагзаларда фахрли ўринларга сазовор бўлган. Устанинг яқинда Фарғонада ўтказилган ёш шахматчиларнинг Осий турнири қатнашчиларига атаб ясаган эсдалик совғалар ҳам барчага манзур бўлди.

СУРАТДА: халқ устаси Набижон Қодиров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Қилмиш — қидирмиш

Тошкент шаҳри ҳудудига гиёҳвандлик воситасини сотишга уринаётган маҳали Миллий ҳафсизлик хизмати ходимлари томонидан кўлга олинган жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан суд ҳукми ўқилди.

Қосим Субонқуловнинг телефони эрта тонгданоқ кетма-кет жиринглади. Гушакни кўтарган дамоно шўричлик эски таниши Ҳасан ақани овозидан дарров таниди. Бир неча йил аввал уша туманда йашовчи қариндошлариникида меҳмон бўлганда у билан танишиб қолганди. Ҳозир шуни уйлаб, «Қачон келди экан?» деган саволни ҳаёлидан ўтказди.

— Ҳа, Эшон бува, қайси шамол учирди, — деди Қосим истеҳзо билан. — Киноянгни қўй, ука, бир иш чиқиб қолди. — Қанақа иш? — Нега билмасликка оласан? Қосим тушунди: Ҳасан ақанинг Сурхондарёдан келиши бежиз эмас. Ховлиқидан миждоз топганга ўхшайди. — Ҳозироқ учрашимиз керак, — деди «Эшон бува». — Қаерда? — Қорақамиш даҳаси, автобусларнинг сўнгги бекатида. Қосим телефон гўшагини кўяр экан, «Сўнгги бекат», дея секин пиқиради...

Бизнинг маълумот: Субонқулов Қосим Бобоназарович, 1974 йили Тошкент Республикаси, Кўрғонтепа вилоятида туғилган. Тошкентдан фўқароси. Рўйхатдан ўтмасдан Тошкент шаҳрида ноқонуний яшаб келган. Қодиров Ҳасан Темирхонович, 1958 йили Шўрчида туғилган, оилали, маълумоти олий, ҳеч ерда ишламайди. «Сўнгги бекат»да «Эшон бува» шериклари билан кўтиб турарди. Қосимни кўриши биланоқ уни четга тортди:

— Россиядан «меҳмонлар» келган. Беш кило қоралор керак, фақат тозасидан. Килосига 2500 доллардан тўлашади, — деди «меҳмонларга» ишора қилиб. — Аммо кечгача ушгуришимиз лозим. Акс ҳола, «кли-

ногирони. 1991 йилдан буён Тошкент шаҳрида қонуний яшаб келмакда. Гиёҳвандлик моддалари савдоси билан шуғуллангани учун муқаддам судланган. ...Хуллас, Миллий ҳафсизлик хизматининг Тошкент шаҳар бошқармасига уюшган ушбу жиноий гуруҳнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ҳақида шўшичлик маълумот келиб тушди. Зудлик билан тезкор тергов гуруҳи тузилди, ишга киришди. Сурхондарё вилояти бошқармаси билан боғланиб, жиноий гу-

руҳга алоқадор шахслар тўғрисида маълумотлар тўплана бошланди... Шу топда Б.Уринқулов «Нексия» автомашинасида «Чорсу» бозорига йўл олди. Сўраб-суриштириб ҳам-шаҳри Фарҳоди топлди. Уни қой-хона томон етаклаб, «Бир қўлаб юбормасан бўлмайди, ука», — деди. Оғуруруш икки соат ичиди беш килограмм опий гиёҳвандлик воситасини топиб берди. Бобохон зудлик би-

килограмм опий мусодара қилинди. Олинган тезкор маълумотларга кўра, бу ажал уруи Душанбе — Термиз — Тошкент оғурурушлик канали орқали келтирилгани аниқланди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларига нисбатан қидирув эълон қилинди.

Бобохон Уринқуловнинг тергов баёнмасидан: — Қосим Субонқуловни кўлдан

Бизнинг маълумот: Уринқулов Бобохон, 1955 йили Душанбе шаҳрида туғилган, II гуруҳ

Тадқиқот мақдимоми

Ўзбекистон аҳолиси турмушида ислом динининг ўрни қандай? Қуни кеча Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг Фридрих Эберт номидаги жамғарма (Германия) билан ҳамкорликда ўтказган социологик тадқиқоти тақ-

димоми айнан шу мавзуга бағишланди. Анжуманда мамлакатимизда фаолият юритаётган чет эл элчихоналари, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, сиёсатшунослар иштирок этдилар.

Таҳдиллар туб аҳолининг диний онги бир кил эмаслигини кўрсатди. Сўровда

иштирок этган аҳолининг кўпчилиги, яъни 76,5 фоизи динни ҳурмат қилгани ҳолда уларнинг оилалари турмуш тарзи диний эмас, дунёвий эканлигини таъкидлаган. Сўралганларнинг 11,6 фоизига диний турмуш тарзига амал қиларканлар.

Хотира кечаси

Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат санъат институтида Маданият ишлари вазирилик ҳамда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ўзбек театри санъатининг таниқли арбоблари Миёнбузрук Солиқов, Ғози Юнус ва Зиё Саидларнинг таваллудларига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечга уларнинг яқинлари тақлиф этилиб, санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб берди. Талбир сўнггида институт талабалари ва хонандалар томонидан хотира концерти уюштирилди.

Ж. ТОҒАЕВ.

Шўрчи туманидаги фермерлар ўзаро кенгашидир. Унга туман раҳбарларини ҳам тақлиф қилиб, марказий шифохонанинг туғуруқхона бўлими биносини таъмирлашни зиммаларига олишларини билдирдилар.

Фермерлар ҳашарга чиқишди

Бундай тақлиф ерда қолармиди. Иш бошлаб юборилди. Ташаббусга 300 та фермер ҳўжалиги бош қўшди. Ва, умумий сатҳи 280 квадрат метрлик 78 та хонани таъмирлаб чиқишди. Таъмирлаш қўл учиди бўлгани йўқ: полга ёғоч, гўлдор тўшамо қоқилди. Ганж шувоқ қилинди. Золга мрамар ётқизилди. Ва сифатли буюк берилди.

Бу катта ҳашарда 300 га яқин фермер қатнашиб, 50 миллион сўмлик юмуш бажарилди.

О. УСАНОВ.

СўНГГИ «БЕКАТ»



руҳга алоқадор шахслар тўғрисида маълумотлар тўплана бошланди... Шу топда Б.Уринқулов «Нексия» автомашинасида «Чорсу» бозорига йўл олди. Сўраб-суриштириб ҳам-шаҳри Фарҳоди топлди. Уни қой-хона томон етаклаб, «Бир қўлаб юбормасан бўлмайди, ука», — деди. Оғуруруш икки соат ичиди беш килограмм опий гиёҳвандлик воситасини топиб берди. Бобохон зудлик би-

килограмм опий мусодара қилинди. Олинган тезкор маълумотларга кўра, бу ажал уруи Душанбе — Термиз — Тошкент оғурурушлик канали орқали келтирилгани аниқланди. Жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларига нисбатан қидирув эълон қилинди.

Ш. ЖУМАЕВ.

Advertisement for 'ANDIJON VILOYATI FILIALI' (Andijan Region Branch). It lists services for land registration, business registration, and legal assistance. Contact information includes phone numbers and an address in Andijan.

Advertisement for 'TOshkent Axborot texnologiyalari universiteti tasarrufidagi TELEKOMMUNIKATSIYALAR LIKEY-INTERNATI'. It offers training and services in telecommunications and internet technologies. Contact details include phone numbers and an address in Tashkent.

Large advertisement for 'VINLAD' audio and video equipment. It features the Vinlad logo and text in Spanish and Russian, advertising high-quality audio and video products. Contact information is provided for Tashkent.

Advertisement for 'UZNEFTGAZKAZIBKANDIRISH' (Oil and Gas Fraud Detection). It offers services for detecting fraud in the oil and gas sector. Contact information includes phone numbers and an address in Tashkent.

A vertical sidebar containing various small advertisements and notices. It includes contact information for 'Xalq s'uzi' (People's Voice), 'Bo'sh muharrir' (Editorial Board), and several other individuals and organizations.